

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

531 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ–4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2401

(2012 йил 1 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ–4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 45-сон, 510-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ–4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 18 июлдаги 52-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ–4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2380, 2012 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 345-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 19 ноябрь,
82-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2012 йил 19 ноябрдаги
82-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил
9 ноябрдаги ПФ–4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш
тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ–4482-сонли Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 45-сон, 510-модда) 4-бандига мувофиқ, пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги энг кам:

иш ҳақи — ойига 79 590 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 155 670 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 155 670 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 95 520 сўм миқдорида белгиланади.

2. 2012 йил 1 декабрдан кейин яқка тартибдаги коэффицентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинландиган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2012 йил 1 декабрдан тайинланган пенсиялар, юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонда белгиланган 1,1 баравар миқдорга ошириш йўли билан қайта ҳисобланади.

3. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваридан ($79\,590 \text{ сўм} \times 8 = 636\,720 \text{ сўм}$) ортиқ бўлмаган ўртача иш ҳақи инobatга олинади.

4. Яқка тартибдаги коэффицентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 636 720 сўм ($79\,590 \text{ сўм} \times 8$) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

5. Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда) Ўзбекис-

тон Республикаси Қонунининг 7 ва 17-моддаларига мувофиқ, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

6. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (79 590 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАЙТОВ

2012 йил 19 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги
ПФ–4482-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар,
стипендиялар ва ижтимоий нафақалар
миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони
бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби
тўғрисидаги низомига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида белгиланган
энг кам ойлик иш ҳақи
МИҚДОРЛАРИ**

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
Сўмларда:	
01.01.1973 йилдан	70,00
01.01.1992 йилдан	350,00
01.03.1992 йилдан	$(350,00 + 550,00) / 2 = 450,00$
01.04.1992 йилдан	550,00
01.07.1992 йилдан	1 000,00
01.09.1992 йилдан	1 250,00
01.10.1992 йилдан	2 000,00
01.01.1993 йилдан	2 500,00
01.04.1993 йилдан	3 000,00
01.06.1993 йилдан	7 500,00
01.07.1993 йилдан	11 250,00
01.09.1993 йилдан	13 500,00
01.11.1993 йилдан	16 200,00
Сўм-купонларда:	
01.12.1993 йилдан	24 300,00

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Ўзгартиришлар санаси ва даври	Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори
01.01.1994 йилдан	30 000,00
01.03.1994 йилдан	45 000,00
01.06.1994 йилдан	70 000,00
Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм):	
01.07.1994 йилдан	70,00
01.08.1994 йилдан	100,00
01.03.1995 йилдан	150,00
01.09.1995 йилдан	250,00
01.04.1996 йилдан	400,00
01.09.1996 йилдан	550,00
01.12.1996 йилдан	600,00
01.07.1997 йилдан	750,00
01.07.1998 йилдан	1 100,00
01.01.1999 йилдан	1 320,00
01.08.1999 йилдан	1 750,00
01.08.2000 йилдан	2 450,00
01.08.2001 йилдан	3 430,00
01.04.2002 йилдан	3 945,00
01.08.2002 йилдан	4 535,00
01.05.2003 йилдан	5 440,00
01.08.2004 йилдан	6 530,00
01.05.2005 йилдан	7 835,00
01.10.2005 йилдан	9 400,00
01.07.2006 йилдан	10 800,00
01.11.2006 йилдан	12 420,00
01.08.2007 йилдан	15 525,00
01.11.2007 йилдан	$(15525,00 + 18630,00) / 2 = 17 077,50$
01.12.2007 йилдан	18 630,00
01.04.2008 йилдан	20 865,00
01.09.2008 йилдан	25 040,00
01.11.2008 йилдан	$(25040,00 + 28040,00) / 2 = 26 540,00$
01.12.2008 йилдан	28 040,00
01.08.2009 йилдан	33 645,00
01.12.2009 йилдан	37 680,00
01.08.2010 йилдан	45 215,00
01.12.2010 йилдан	49 735,00
01.08.2011 йилдан	57 200,00
01.12.2011 йилдан	62 920,00
01.08.2012 йилдан	72 355,00
01.12.2012 йилдан	79 590,00